O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 9 февраль, № 29 (4182) Жума



Пойтахтимиздаги "Фатон" очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги электрон техника маҳсулотлари ва интеграл микросхемалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик саноат корхоналаридан бири саналади. Айниқса, корхонага замонавий технологияларнинг жалб этилиши ишлаб чиқариш қуввати ошишига, шунингдек, маҳсулот тури кўпайишига замин яратди. Айни кунларда меҳнат аҳли ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш ва эҳтиёждан ортганини экспорт қилиш ниятида ишламоқда.



Чўпон хонадонидан коинотгача

Азот, кислород ва водородни газ ва суюқлик ҳолатида ишлаб чиқариш, турли галваник қопламалар, металларни совуқ ҳолда қайта ишлаш технологияси, рангли ва оқ-қора телевизорлар ҳамда энергия қувватларини ишлаб чиқариш бўйича маҳсулотлар турининг ортгани ҳам корхона салоҳиятини юксалтирди. Бундан ташқари, корхонада ишлаб чиқарилаётган 70 турдаги ярим ўтказгичлар Россияга экспорт қилинмоқда. Бу борада рақамларга мурожаат қилсак, агар корхона томонидан 2005 йилда 961,1 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1309,27 минг АҚШ долларига етди.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган электр ёритгичлар турдошларидан 6 марта кам электр қуввати сарф қилади, унинг фойдаланиш даражаси эса 3-4 мартага узайди.

Яна бир янгилик. Қуёш энергиясини бевосита электр энергиясига айлантириб берадиган мўъжаз ускуна чўпон хонодонидаги маиший электр асбобларини бемалол электр қуввати билан таъминлай олади. Ёки иситиш коллекторлари қуёш нури орқали сув ва хонадонларни иситмоқда.

Жамоанинг устувор режасида "DVD" электрон аппарати, уй кинотеатри каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бутун мусулмон оламининг ифодачиси бўлган Жаҳон ислом лигаси номидан Сиз, Жаноби Олийларини ва ўзбек халқини муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади. Парвардигордан Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат ато этишини сўрайман.

Жаҳон ислом ташкилоти мамлакатингизнинг ислом маданиятини ривожлантириш ишига қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлайди. Бу муҳим воқеани муносиб нишонлаш мақсадида биргаликда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро семинар ўтказишга тайёр эканимизни билдирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман, Ўзбекистон халқига янада равнақ ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

Доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий,
Жаҳон ислом лигаси Бош котиби.

Наврўз нафаси

Қадим-қадимдан кўпгина халқларда қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш анъаналари катта байрамлар сифатида нишонланган. Сабаби, баҳорда нафақат табиат, балки инсон вужудида, руҳиятида ҳам жонланиш, фаоллашув кузатилади. Қиш бўйи фақат бир манзара, яъни оппоқ қорга кўниккан кўзлар баҳорий яшилликдан қувнайди. Гулларнинг ғунчалаши, мажнунтолларнинг баргак ёйиши, чумолиларнинг ер устига ўрмалаб чиқиши, қушларнинг турли оҳангдаги нағмалари бир мўъжизадек туюлади, кишига. Шунинг учун ҳам японлар Риссон, хитойлар Чун-цзе, славян халқлари Масленница деб атайдилар бизнинг Йилбоши деб ном олган Наврўзимизни. Авестошунос Мери Бойснинг таъкидлашича эса, қадимда зардуштийларнинг еттита байрамининг еттинчиси Наврўз ҳисобланган.

Меҳр-оқибат байрами

Аждодларимизнинг қадимги тақвими Наврўздан бошланган. Ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келган. Бу тун ва кун баравар бўлган кун(22 март)дир. Бу ҳақда Беруний шундай ёзади: «Наврўз ўтмиш замонларда қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди».

Тарихий манбаларда Наврўзнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятларни учратамиз. Эмишки, Одам Ато билан Момо Ҳавво илк бор учрашган кун Наврўз байрами деб тан олинган. Баҳорда ва ёзда ҳукмронлик қилгувчи эзгулик худоси Ахурамазда ёвузлик худоси Ахриман устидан ғалаба қилган сана Наврўз куни бўлган. Оламлар ҳисобига кўра, Наврўз 4 минг йил аввал жорий этилган. 13 йил мобайнида Тошкентда яшаган чех элшуноси Август Эйхгорн 1871 йили Зангиотада ўтказилган Наврўзни осиёликлар нишонлаётган бу байрамдан олган таассуротим бир умр ёдимда қолади, деб таърифлайди.

Кейинчалик даврлар ўтиши билан Наврўз такомиллашиб, сайқалланиб, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг баравар лашиши, кундузнинг узая бошлаши илмий тарзда асослаб берилди.

Мустақиллик йилларида Наврўз юртимизнинг асосий байрамларидан бирига айланиб, ҳар йили катта тантаналар билан нишонланмоқда. Юртбошимиз Фармонига кўра, байрам дам олиш куни деб эълон қилинди. Бу йил — Ижтимоий ҳимоя йилида келадиган Наврўз янада тароватли, саодатли, иноятли ва ҳидоятли бўлгай!

* * *

Январь тугаб, февраль бошида қишнинг қаҳри сусая бошлади. Кунлар бироз илиқлашиб, бўғотлардаги охирги сумалаклар ҳам ерга думалаб тушди. Дарахтларнинг куртаклари эрта-индин шохларини ёргудай бўлиб бўртиб ётибди. Бодом эса гуллади. Юракларга баҳорий майинлик, нафислик мўраламоқда.

— Бу йилги Наврўзда, Худо хоҳласа, 85 ёшга кираман, — дейди Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи Кимёхон ая Ҳайдарова. — 40 йил пахта бригадири бўлиб ишладим. Ўша йилларда, бирор марта бўлса ҳам, Наврўзни ошкора байрам қилганимизни эсолмайман. Бугунги замонадан қанча айланиб-ўргулсак кам. Аввало, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Наврўзимиз ўзимизга қайтиб келди. Ҳар йили катта тантаналар билан нишонланишини айтмайсизми! Телевизорда кўриб, хўп давру давронлар келди-да, деб ҳузурланиб ўтираман. Туманимиз марказидаги стадионда ҳам шодиёналар бўлиб ўтади. Маҳалладаги аёллар йиғилиб, мени кўргани киришади. Дошқозонларда сумалаклар қайнайди. Наврўзни меҳр-оқибат байрами дегим келади.

Аянинг гапларини маҳалладоши, ажойиб инсон Расул Чайка давом эттиради:

— Мен оддий бир деҳқонман. Наврўз, энг аввало, менинг даламга, ҳовлимга келади, назаримда. Кеча эрталаб уйқудан турганч, ҳовлига чиқсам, тупроқлар кўпчишга мойил бўлиб қолибди. Хурмо дарахтлари ҳам жонланиб, тетиклашиб қолгандек. Бодринглар-ку аллақачон икки қулоқ бўлиб улгурган. Тез орада ерга экамиз. Буларнинг бари Наврўздан дарак. Бу байрамнинг иккита фазилати бор. Биринчиси табиатни кўркамлаштириб, унга тенгсиз чирой ато этса, иккинчиси одамларни бирбирига яқинлаштиради, қадр-қимматни кучайтиради. Ўтган ҳафтада маҳаллада ҳашар уюштирдик. Ариқ-зовурларни тозалаб, четларига гуллар, терак кўчатлари ўтқаздик. Кўчалардаги узум новдаларини кесиб, тараб қўйдик. Тушгача анча иш бажарилди. Ҳаво шундай туриб берса, эрта-индин далага чиқиб кетамиз.

Дарвоқе, ҳар икки суҳбатдошим таъкидлаганидек, Наврўз қадр-қиммат ва меҳр-оқибат байрамидир. Яқинлашиб келаётган ана шу қутлуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

Яшил майсалардан дуррача бойлаб,
Дориломон кунга шукрона айлаб,
Дилларга ғолиблик ҳиссини жойлаб,
Наврўз келаётир Ўзбекистонга...

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАНЛАР ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг доираси йилдан-йилга кенгайиши баробарида масъулияти ҳам ошмоқда. Эндиликда унда ғолиб бўлиш учун ишлаб чиқаришга доир юқори кўрсаткичларнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки иштирокчи жамиятда ўз ўрнини топиб, атрофидагиларга ибрат намунасини кўрсата олган бўлиши лозим.

— Бу йилги кўрик-танловни ўтказишда айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Валижон Нурмуҳамедов. — Ҳозиргача Чиноз, Зангиота, Бўка ва Тошкент туманларида танлов якунига етди. "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер", "Энг яхши ҳунарманд"лар билан бир қаторда "Энг ёш тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг мурувватли тадбиркор", "Энг яхши маҳалла ҳомийси" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тошкент туманида фаолият юритаётган "Московские деликатесы" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Отабек Муталов "Энг яхши тадбиркор" деб топилди. Мазкур тадбиркорлик субъекти ташкил этилганига уч йил бўлди. Аммо шу вақт ичида эришган муваффақиятлари жуда салмоқли. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган етмиш хилдан зиёд

«Ташаббус-2007»

қайта ишланган гўшт маҳсулотлари бозоримизни тўлдиришга катта ҳисса қўшиши билан бирга, экспортга ҳам чиқарилмоқда. 200 нафарга яқин киши иш билан таъминланган. Жорий йилда мижозлар билан беш миллиард сўмликдан зиёд шартнома тузилди. Олинаётган соф фойда ҳисобига тадбиркор тумандаги маҳаллалар фаолиятини ривожлантиришда ҳомийлик қиляпти. Шу боис у "Энг яхши маҳалла ҳомийси" номинацияси бўйича ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Ушбу туманнинг энг яхши ҳунарманди Рихсибой Мажидов эса маҳаллий хомашёдан миллий маҳсулот тайёрлаётган қўли гул косиб. У ишлаб чиқараётган тоза чармдан тайёрланган пойабзал экологик софлиги билан кўпчиликка манзур бўлаётир.

Чинозлик "Энг яхши фермер" — "Сулаймон ота" фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришда нафақат туманда, балки вилоятда юқори кўрсаткичларга эришган. Хўжалик раҳбари Равшан Сулаймонов вояга етаётган ёш чинозликларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишини ният қилиб, қатор мактабларни моддий қўллаб-қувватлашни йўлга қўйган.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

«Экосан» халқаро ташкилоти Тошкент ирригация ва мелиорация иститутида «Иқлим ўзгариши бўйича Париж учрашувларининг якунлари ва Марказий Осиёда иқлим ўзгаришининг минтақавий муаммолари» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Анжуман глобал ва минтақавий иқлимнинг ўзгариши, унинг сабаб ва оқибатларига бағишланди.

Фасллар ўзгариши ҳақида сўз

Учрашувда таъкидланишича, сўнгги йилларда ҳавонинг ўртача ҳарорати 0,4-0,6 даражага кўтарилиши оқибатида Арктика ва Антарктида музликлари эрий бошлаган. Бу эса океан сатҳи 10-25 см. ошишига ҳамда қурғоқчилик ва саҳроланиш жараёнлари кўчайишига олиб келади. Мазкур масала дунё олимлари ва мутахассисларининг диққат марказида турибди.

Тадбирда ташкилот қошида «Ёш экологлар ва иқлимшунослар клуби»ни ташкил этиш таклифи билдирилди. Шунингдек, иқлим ўзгариши муаммоларини ўрганиш ва ечимини топиш мақсадида «Марказий Осиёда иқлим ўзгариши сценарийлари» энг яхши илмий тадқиқот" кўрик-танловини ўтказиш режалаштирилди. Ғолиблар 2008 йилнинг 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит муҳофазаси кунида «Экосан» дипломи ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Мана, ўн йилдан ошяптики, мамлакатимизда ҳар бир йилни ҳаётимизнинг устувор вазифалари ижросини таъминлаш, ислоҳотларнинг бирор муҳим ижтимоий-сиёсий йўналишини кучайтиришга қаратилган махсус ном билан аташ ажойиб анъанага айланди. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир атаманинг маъно-мазмунини бирлаштирадиган умумий мезон бор. Ҳар йили инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишлари эътибор марказига қўйилиб, одамларнинг оғирини енгил қилишга интилиб келинмоқда. Бундай муносабат халқ манфаати энг олий қадрият деб белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига жуда-жуда мос тушади.

Инсон — ҳаёт гултожи

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва Республика Маънавият тарғибот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳақидаги қарорига мувофиқ, жорий йилда мамлакатимизда машҳур беш тамойилдан бири — кучли ижтимоий сиёсатни кенг ва ёрқин ёритиш, ислоҳотларни жорий этишда фидойилик кўрсатаётган замондошларимиз сиймосини яратиш мақсадида **«Инсон — ҳаёт гултожи»** номи остида ижодий танлов эълон қилади.

Танловга тақдим этилган асарларда халқимизнинг бағрикенглик, саховатпешалик, болажонлик фазилатлари ёрқин акс этиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг такомиллашуви, муҳофаза чораларининг табақалашган ҳолда амалга оширилишини таъминловчи услуб ва механизмларнинг жорий этилиши жараёнлари таъсирчан ва ишонарли тарзда ёритилиши талаб қилинади.

Танловнинг мақсади миллатимиз, Ўзбекистон халқининг бунёдкорлик билан йўғрилган бугуни ва умидбахш келажагини публицистик асарларда акс эттириш. Токи шундай фидокор, меҳр-мурувватли, болажон, меҳмондўст, қўли ҳам кўнгли каби очиқ халқимизга, унинг саховати ва мурувватига ҳамма ҳавас қилсин, бу фазилатлардан бутун жаҳон ибрат олсин!

Танлов 2007 йил 8 декабрь — Конституциямизнинг 15 йиллик тўйи арафасида якунланади.

Энг қизиқарли, ҳаяжонли, ўқишли очерклар, лавҳалар, ҳикоялар, эсселар, бадиҳалар, суратлар ҳамда шеърлар газета саҳифаларида эълон қилинади.

Танлов мукофотлари:

Битта биринчи мукофот	—	500 000 сўм
Иккита иккинчи мукофот	—	200 000 сўмдан
Учта учинчи мукофот	—	150 000 сўмдан
Рағбатлантирувчи совғалар	—	5 та

«Инсон — ҳаёт гултожи» ижодий танловига марҳамат! Омад Сизга ёр бўлсин!

ЭШИТДИНГИЗМИ ?

2007 йил 1 — 10 май кунлари «Ўзэкспомарказ»нинг кўргазма павильонларида II Халқаро «Агроминитех ЭКСПО-2007» савдо кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазмада Германия, Венгрия, Италия, Бельгия, Австрия, Россия, Исроил, Украина, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг энг мукаммал жиҳозлари намойиш қилинади.

СИЁСИЙ МАЙДОНДАГИ КУРАШ

ошкора, ҳалол, фаол ва таъсирчан бўлсин

Бир саволга беш жавоб

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида сиёсий партияларимизнинг фаолияти ҳали-бери реал ҳаёт муаммоларидан узоқ бўлиб турганини таъкидладилар. Сизнинг партиянгиз бу борадаги фаолиятини янада жонлантириш учун қандай амалий қадамлар қўйилмоқда?

Дилором ТОШМУҲАММЕДОВА, «Адолат» СДП Марказий Кенгаши раиси:

Юртбошимизнинг сиёсий партиялар тўғрисидаги фикрларидан келиб чиқиб, мавжуд иш режа ва дастурларимизга зарур ўзгартишлар киритдик, партия тадбирларидаги муҳокамалардан сўнг тегишли хулосалар ясадик.

Эътироф этиш керак, ҳозир сиёсий партияларнинг давлат аҳамиятига молик муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш, партияларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири. Аксарият ҳолларда сиёсий партияларнинг нуфузи парламентдаги партия фракцияларинииг фаолияти билан белгиланмоқда. Бирғина 2006 йилда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Жумладан, давлат дастурларини ва ижтимоий аҳамиятга молик кўплаб қонунларнинг ижроси, электоратимизнинг муҳим қисми бўлган аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган масалаларни кўриб чиқишда фракция фаоллик кўрсатиб, ҳукуматга бир қатор аниқ таклифларни киритишга муваффақ бўлди.

Хусусан, "Адолат" СДПга Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Иштихон тумани Кенгаши депутати У.Турдиев ариза ёзиб, Иштихон туманидаги 61-умумтаълим мактаби ҳозирги пайтда таъмирталаб аҳволда эканлигини билдирган. Ариза ўрганиб чиқилгач, мавжуд муаммони ҳал этишда амалий ёрдам сўраб, Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилдик. Натижада ушбу мактаб капитал реконструкция қилинадиган мактабларнинг манзилли дастурига киритилгани ҳақида вазирликдан жавоб хати олдик. Ушбу масаланинг кейинги ечими ҳам бевосита "Адолат" СДП фракцияси назоратига олинган.

Бундай мисолни бошқа ҳудудий Кенгашлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиб, Самарқанд шаҳрида партия ташкилоти ташаббускорлигида бир қанча тадбирлар уюштирилган. Шаҳардаги 95 та маҳаллани газ билан таъминлашда газ таъминоти корхонаси томонидан нотўғри таҳлил юритилиб, мазкур ҳудудда яшовчи аҳолининг газ таъминотидан қарздорлиги 2,5 миллиард сўмдан ортиқ деб кўрсатилган. Партия ташкилотининг аралашуви билан ҳакамлик судининг қарорига асосан газ таъминоти бўйича нотўғри ҳисобланган қарздорлик пуллари аҳоли зиммасидан олиб ташланди. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида эса мингдан ортиқ аҳолини иш билан таъминлашда партия туман Кенгаши жонбозлик кўрсатгани ҳам жойларда жамоатчилик назоратига кўпроқ эътибор қаратилаётганидан далолат.

Шу билан бирга партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатларимизни ўз партиядошлари ва сайловчилари билан мулоқотларини режали тизимга қўймоқдамиз. Депутатларнинг халқ вакиллари билан учрашиб, уларга партиямиз Қонунчилик палатасидаги депутатлари, депутатлар гуруҳлари амалга ошираётган ишлар ҳусусида маълумот бериши, одамларнинг ўй-ташвишлари, ҳаёти, муаммолари билан яқиндан танишиб боришлари «Адолат» СДПнинг ўз электорати билан алоқаларини яхшилашга хизмат қилади, албатта.

Айни кунларда Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси сиёсий ислоҳотларни жадаллаштиришга, партияларнинг фаолият самарадорлигини оширишга ва ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айланишига қонуний асос бўлади.

Эндиликда бошланғич партия ташкилотларимизнинг фаолиятини жонлантириш, қабул қилинаётган қарорлар ижроси назоратини юритиш, сафларимизни партиямиз ғоялари, мақсад ва вазифаларини тушунган ва қўллаб-қувватловчи, уни амалга оширишга лаёқатли аъзолар, жумладан, ёшлар ҳисобига тўлдириш галдаги вазифаларимиз сирасига киради.

Кадрлар сиёсатини қайтадан кўриб чиқиш ва фидойи, жонкуяр партия ходимларини тайёрлаш тизимини яратишни ҳам режалаштирганмиз. Профессионал салоҳиятга эга, ҳудудий муаммони тушунадиган, таҳлил эта оладиган, халқ ишончини қозонган бўлажак депутатлик корпуси резервини тайёрлаш бўйича ҳам ишларимиз жонланган. Биз жамиятимизда ижтимоий адолат мезонларининг қарор топиши йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни жонлантириш ва барча фаолларимизни бу ишга сафарбар этишга асосий эътиборни қаратганмиз.

Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада етарлича ҳуқуқий асос яратилган. Шу маънода Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасини фавқулодда ҳодиса сифатида баҳолаб бўлмайди. Аксинча, бу қонун лойиҳаси босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳам сиёсий партиялар фаолияти тўғрисида ижобий ва салбий фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бундан ҳар бир партия ўзига тегишлича хулоса чиқариб олгани, шубҳасиз. Партиямиз сиёсий кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII, VIII ва IX мажлисларида ҳам давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузаси чуқур ўрганиб чиқилди. Унда партиянинг маърузадан келиб чиқадиган асосий вазифалари белгилаб олинди ҳамда махсус Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон сиёсий ислоҳотларнинг янги босқичига ўтмоқда. Хусусан, 2008 йил 1 январдан кучга кириши белгиланган, юқорида айтиб ўтилган Конституциявий қонун лойиҳаси қабул қилинганидан кейин мамлакатимизда янгича сиёсий майдон вужудга келади. Қонун партияларга катта имконият берибгина қолмасдан, улар олдига бир қатор муҳим вазифаларни ҳам қўяди.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз ўзи учун 2007 йилни янгича сиёсий муҳитга тайёргарлик даври, деб эълон қилди. Биз бу қисқа вақт давомида ЎзЛиДеП тизимида ташкилий, мафкуравий ва қонунчилик йўналиши бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш лозим, деган хулосага келдик.

Биринчи навбатда, партия ҳудудий тузилмалари, маҳаллий депутатлик гуруҳларини янгича ижтимоий-сиёсий муҳитда ишлашга тайёрлаш лозим. Сабаби, реал кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализмга асосланган, замонавий вакиллик — парламент демократиясини босқичма-босқич шакллантириш ва янада ривожлантиришда ҳар бир сиёсий партиянинг қуйи бўғинлари қизғин иштирок этиши лозим бўлади.

Партия жойларда кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириши учун, энг аввало, ҳудудий тузилмалар, депутатлик гуруҳлари аъзолари фаол, жонкуяр бўлиши керак. Ана шу мақсадда биз партиянинг кадрлар сиёсатини қайта кўриб чиқаяпмиз. Янгича фикрлайдиган ва ишлайдиган кадрларни тарбиялашга эътибор қаратаяпмиз.

Партиянинг сиёсий таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш — партиянинг мафкуравий йўналишдаги устувор вазифаларидан биридир.

Қонунларнинг кучга кириши билан айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳамда янги қонунларни қабул қилишга эҳтиёж сезилади. Ана шундан келиб чиқиб, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бугун қайси партия ташкилий жиҳатдан уюшган, кучли мафкура базасини ярата олган бўлса, жамиятда устунликни ўз қўлига ола билади. Бугун ЎзЛиДеПнинг аниқ устувор мақсадлари, қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмаган ва унда ўзининг катта ҳиссасини қўшаётган партия электорати — тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар турибди. Шунинг учун биз мазкур ижтимоий синфга таяниб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишни бош йўналиш деб биламиз ҳамда сиёсий ислоҳотларнинг янги босқичида ҳам етакчи партия бўлишга интиламиз.

Бугун сиёсий партиялар учун қуруқ ваъдалар, баландпарвоз ва ҳавойи гаплар даври ўтди. Мамлакат сиёсий майдонида партияларнинг ўзларини кўрсатишлари учун, ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун катта имкониятлар яратилди. Буни англаб етмаслик ва ҳис қилмаслик мумкин эмас.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одамларнинг фаоллигини жонлантириш жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги вақтда юртимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Улар мамлакатда демократик жараёнларни давом эттиришда, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Бироқ бугунги кунда бу йўналишда эришган натижаларимиз олдимизга қўйган олий мақсадларимизга тўлиқ жавоб беролмаётганлиги ҳам аён.

Шу муносабат билан таҳририятимиз бешта сиёсий партия вакилларига айнан шу руҳдаги битта савол билан мурожаат этди. Ушбу саҳифада жавоблар билан танишасиз.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси:

Дastлаб ушбу маъруза республикамиздаги сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳаётида ҳам муҳим тарихий воқеа бўлганини эътироф этишни истардим. Сабаби, унда муҳтарам Президентимиз «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтиш асосида партиялар фаолиятидаги асосий муаммолар ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Дарҳақиқат, бугун «Миллий тикланиш» бошдан-оёқ одамларни қийнаётган ҳаётий муаммолар билан яшаяпти ва уларни тўлиқ ҳал эта оляпти, деб айтиш бирмунча мушкул. Буни тан оламиз. Аммо ЎзМТДП бу жараёндан мутлақо айро, халқ бу партияни умуман танимайди, дегувчилар ҳам адашади. Бильакс, айни даврда биз халқ орасига қадам-бақадам кириб бормоқдамиз, партия сиёсатини босқичма-босқич амалга оширмоқдамиз, халққа аста-секин танилмоқдамиз. Натижа ҳам таъкидга арзигулик наздимизда: Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиянинг 11 нафар забардаст аъзоси иш кўрсатмоқда. Марказий кенгаш девони ўз маскани-манзилига эга бўлди, барча вилоятларда кенгашларимиз фаолияти йўлга қўйилган: ҳозирги кунда партия ўз сафига 68 мингдан ортиқ аъзони, икки мингдан ошиқ бошланғич ташкилотни бирлаштиргани ҳам ЎзМТДП фақат қоғозда эмас, балки амалда ҳам мавжудлигининг далили-далолатидир.

ЎзМТДП зиёлилар партияси сифатида ўз фаолиятида асосий эътиборни маънавий-маърифий соҳа ривожига — ёшларимизда ватанпарварлик ҳиссини камол топтириш, миллий тафаккур равнақига кенг йўл очиш, миллий мерос ва анъаналарни рўёбга чиқариш, одамлар онгида миллий тикланиш туйғуларини уйғотишга қаратмоқда. Хусусан, бутун 2006 йил давомида бир неча таниқли ижодкорларимизнинг таваллуд айёмлари муносиб нишонланди, шунингдек, «Устоз — отангдек улуғ» шиори остида кенг қамровли тадбирлар, ўзбек тилига бўлган эҳтиромни кучайтириш мақсадида «Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз», Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик — ёшлар ниғоҳида», «Мустақиллик саодати — аёл тақдирида» мавзуларида танловлар ўтказилди.

Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ҳам «Миллий тикланиш» имконият даражасида иштирок этмоқда.

Партия ишида реал ҳаётий муаммоларни ҳал этишнинг қонуний асосларини яратишга ҳам алоҳида диққат билан ёндашилмоқда. Чунончи, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Иод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонунларнинг ишлаб чиқилишида ҳам «Миллий тикланиш»чиларнинг иштироки катта бўлди.

Партиямиз томонидан юқорида номи зикр этилган Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ҳаётга жорий этиш ва асосийси, одамлар онгига етказиш йўлида олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам анчайин сезиларли. Аввало, бу қонун лойиҳалари партия ишини жонлантириб юборганини алоҳида қайд этиш керак. Унда ҳуқуқий жиҳатдан партиялар мақоми анча кенгайтирилмоқда ва янги поғонага кўтарилмоқда. Қонун лойиҳалари барча бўғин партия ташкилотлари томонидан қизғин муҳокама қилинди, жойларда кўплаб учрашувлар ўтказилди ва ўтказилмоқда.

Ахтам ТУРСУНОВ, Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби:

— **Д**арвоқе, Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кўтарилган мазкур масалалар давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг мазмун ва моҳиятини янада очиб беришга, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир сиёсий партиянинг галдаги мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиши учун катта туртки бўлди, деб ҳисоблайман. ФМДПнинг муҳим вазифаларидан бири нафақат партиянинг сиёсий тажрибаси ва ташкилий қурилмасини мустаҳкамлаш, балки, аҳоли ўртасида ўз нуфузини ошириш, тарафдорларига суянган ҳолда юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва давомийлигини таъминлашда фаол иштирок этишга қаратилган. Шунингдек, умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонунлар лойиҳасини айнан партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва давлат ҳокимиятини ташкил қилиш, жамоат назоратини амалга ошириш ва қарорлар қабул қилишдаги ролини кучайтиришга қаратилганлигидан келиб чиқиб, бу борада ФМДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда ФМДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ҳамкорлигида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Тарғибот ишларига партиядошларимиз билан бир қаторда сиёсатшуносслар, ҳуқуқшуносслар, журналистлар, жамоат ташкилотлари ва бошқа бир қатор соҳа вакилларини жалб этаяпмиз.

Айтиш жоизки, бугун мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишлар, фуқаролар онгтафаккуридаги ўзгаришлар сиёсий партиялар вакиллари олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Аниқроғи, айни пайтда нафақат ФМДП МК Ижроия девони, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, балки энг кичик бошланғич ташкилотларимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир етакчи ходимнинг сиёсий билим ва малакаси, хусусан, етакчилик қобилияти устида масъулият билан иш олиб боришимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. ФМДП ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг амалийлигини таъминлаш мақсадида Марказий Кенгаш ва вилоят кенгашларида жорий йилнинг бошида бир қанча бўлимлар ташкил этилди. Ушбу бўлимларга малакали кадрлар танлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда сиёсий партиялар ҳамкорлигида юксак савияда ўтказилаётган сиёсий ўқув семинарлари орқали катта имкониятга эга бўлдик. Партиянинг асосий бўғини бўлмиш бошланғич ташкилотларимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларда давлатимиз сиёсати ва ФМДПнинг мақсад-вазифаларини халқимиз ўз орзу истагига ҳамоҳанг қабул қилишаётгани бизни улар билан янада яқинроқ ишлашга ундайди. Энг муҳими, ФМДПнинг кўп минг сонли аъзолари, хайрихоҳлари ва партиямиз ғоя-мақсадларини қўллаб-қувватловчи ватандошларимиз олдидаги масъулиятимизни юз чандон оширади.

Эндиликдаги вазифаларимиз фракция иши ва партия гуруҳлари ишини жонлантириш (мукаммаллаштириш); партиянинг низом ва дастурида кўрсатилган йўналишларни қонунчилик ва парламентнинг бошқа ишларида илгари суриш; жамоатчилик билан алоқани мустаҳкамлаш; шунингдек, партия илгари сураётган ғоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот қилиш орқали ҳар бир фуқарога етказиш; партия етакчиларини қайта тайёрлаш ва уларни қўллаб қувватлаш; партиянинг ахборот-таҳлил базасини кенгайтириш ва республиканинг етакчи ахборот-таҳлил марказлари билан алоқасини кучайтириш; партия тарафдорларининг асосини ташкил этувчи ёшларни сиёсий ижтимоий-иқтисодий фаолиятга жалб этиш борасидаги ишларни янада жонлантириш каби бир қатор долзарб вазифалар устида самарали иш олиб боришдан иборатдир.

Латиф ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда мамлакатимиз Президенти И.Каримов ўз маърузаларида таъкидлаганларидек, ўтган йилнинг ноябрь ойида умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг ҳаётий реал муаммолардан орқада қолиши масаласи ечимини топишда янги имкониятлар яратади.

Бу қонун лойиҳасининг партия барча ташкилотларидаги муҳокамаси Ўзбекистон ХДП аъзолари томонидан мазкур қонунчилик ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватланганлигини кўрсатди. Чунки бу қонунчилик ташаббуси мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган – Ўзбекистонда демократиянинг миллий модели шакллантиришни мақсад қилиб қўйган демократик модернизация концепциясини амалга оширишда янги муҳим қадамдир.

Биз Президентимиз томонидан парламентга тақдим этилган ушбу қонун лойиҳаси партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишда ташаббус кўрсатиш учун принципиал янги ҳуқуқий макон яратади, деб ҳисоблаймиз. Унинг ҳуқуқий нормалари, шубҳасиз, сиёсий партиялар фаолиятини янада жонлантиришга, фуқароларнинг Ўзбекистонда қарор топган ижтимоий-сиёсий тизим институтларида бевосита иштирок этишга қизиқишини оширишга кўмаклашади.

Партиямизнинг бўлиб ўтган форумларида сиёсий партиялар ҳамда уларнинг депутатлик бирлашмалари яқин орада эга бўладиган янги ҳуқуқларнинг моҳияти ва аҳамиятини тўғри ва пухта тушуниш зарурлиги бўйича кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, бу борада сўз юритилганда, энг аввало, бошқа сиёсий партиялар қатори ЎзХДПга ҳам бериладиган янги, қўшимча ҳуқуқлар тўғрисида эмас, балки депутатлик бирлашмаларининг ижроия ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатлари оширилганлиги натижасида келиб чиқадиган партиялар сиёсий масъулиятининг янги чегаралари ҳақида гапириш тўғри бўлади.

Қолаверса, янги ҳуқуқий қоидаларни амалга ошириш ишида биз учун асосий жиҳат – ҳокимият ваколатларига эга раҳбарларни вазифасидан озод қилиш ташаббуси билан чиқиш эмас, балки ҳокимиятлар фаолиятининг самарали бўлишини, улар томонидан қонунлар, мамлакат Президенти фармон ва қарорлари ўз вақтида сўзсиз ва тўла-тўкис бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

Бундан ташқари, маҳаллий депутатлик корпусидаги Ўзбекистон ХДП вакиллари давлат ҳокимиятининг маҳаллий бўғинидаги бошқа партиялар қатори янги ҳуқуқий нормаларнинг давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларининг принципиал жиҳатдан шаклан янгича иш юритишида қудратли ундовчи омилга айланиши учун масъулдир.

Умумхалқ муҳокамаси жараёнида партиямиз аъзолари партия депутатлик гуруҳларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ишида ташаббускорликни сезиларли даражада ошириш бўйича кўплаб таклифлар билдирдилар. Чунки бугунги кунда ҳам улар депутатлик мақомида кўзда тутилган салмоқли ваколатларга эгадирлар.

Шундан келиб чиқиб, биз депутатлик тузилмаларимизнинг кутиб туриш ҳолатидан тезроқ халос бўлишлари, ўз сиёсий салоҳиятларидан партия электорати манфаатлари йўлида самаралироқ фойдаланишларига интилмоқдамиз. Бу эса ЎзХДПнинг ҳам, бошқа партиялар сингари, мамлакатимиз Президенти кўрсатиб ўтганларидек, ҳаётий реал муаммолардан орқада қолишини бартараф этиш сари қўйилган муҳим қадам бўлади.

Азиз муштарий, мана, сиёсий партияларимизнинг бугунги кундаги ишлари ва режалари ҳақида муайян маълумотга эга бўлдингиз. Эзгу ният билан қилинаётган саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз мевасини беради ва бу ҳамиша севиб-ардоқлаган Ўзбекистонимизнинг ёрқин истиқболи учун хизмат қилади. Суҳбатимизни Юртбошимизнинг юқорида номи зикр этилган тантанадаги қуйидаги сўзлари билан якунлашни лозим деб топдик: «Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг обрўйи ва мавқеини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз деб, айнан шундай тушунча билан бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини қатъият билан давом эттирсак — ҳеч шубҳасиз, марра бизники — Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни албатта қурамиз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта етамиз».

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ ВА ҚОНУНЧИЛИК БЎЛИМИ.



Боқий мерос

Навоий тўғрисида сўз юритмоқ ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, Ўзбекистонда буюк ижодкор номини эшитмаган одам кам топилса керак. Қийинлиги унинг асарларини тўла билиш, мағзини чақиш, кўрсатган йўл-йўриқларига амал қилиш даражасига эришганлар ҳам исталганча кўп бўлмаса керак. Лекин барибир ҳаётимизга Навоий меросининг сингиб кетгани бу аён ҳақиқат.

Ўзим шахсан шоҳид бўлганим икки воқеани айтиб бersам. Ёзнинг иссиқ кунларидан бири. Бундай вақтларда Тошкент метроси бекатларида жонга роҳат бағишловчи салқинлик ҳукмрон бўлади. Шабада ғир-ғир эсиб туради. Метронинг «Алишер Навоий» бекатида одам зич. Поезд келишини кутмоқдамиз. Менинг ёнимда ёшгина бир аёл қўлидаги болачасини бағрига босганча турмоқда. Боланинг тили чиққан. У онасига ёпишганича дейди:

– Алишер Навоий бекати, Алишер Навоий...

Мен болакайга меҳр билан боқдим. Раҳмат сенга, раҳмат онанга. Тилинг чиқар-чиқмас Алишер Навоий демоқни ўрганибсен. Кам бўлма, умрингдан барака топ. Ким Навоийни билса, севса ва ибрат олса, у албатта, камол топади.

НАВОИЙ АБАДИЯТИ

Анча йиллар бурун бўлган бир ҳодиса ҳам эсимда. Биз икки-уч нафар ёш илмий ходимлар институт эшиги олдида турган эдик. Йўлакдан икки киши етаклашиб келишмоқда. Бирининг кўзи кўр. Иккинчиси — ёш аёл унинг қўлидан тутганча, йўл-йўлакай идоралар эшиклари ёнига осиғлиқ ёзувларни кўр ҳамроҳига ўқиб бериб келади. Институтга яқинлашгач, навбатдаги ёзувни ўқиди: Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти.

Кўр одамнинг юзи ёришгандай бўлди. У қувноқ ва жарангдор овоз билан деди:

— Ҳа, бу Алишер Навоий ва унинг каби зотларнинг асарларини ўрганиш жойи экан.

Унинг Навоий номини эшитганда жонланиб, қувониб гапирган гапи таъсирли эди. У Навоий асарларини тинглаб ўрганган. Кимлигини билади. Кўзи кўрмаса ҳам, кўнгил кўзи равшан эди, у одамнинг.

Аммо бошқа хил ҳодисотлар ҳам гоҳо бўлиб туради. Бир куни мен аниқ фанлар бўйича яхшигина маълумот эгаси бўлган бир илмий ходимга юрак қонимни сарф этиб, астойдил, Навоийнинг «Хамса» («Беш достон») асари тўғрисида сўзладим ва ундаги аниқ фанларга оид билимларни ҳам ўрганиш кераклигини айтдим. Бу одам шундан сўнг менга бир савол бердики, эшитиб ҳангу манг бўлиб қолдим.

— Домулло, шу Ҳамзанинг асарлари ўзи ўзбекчага перевод қилинганми?

Мен нима деб жавоб беришни билмадим. Бу одам Навоий «Хамса»си билан улуғ шоиримиз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни фарқ қилолмас экан. Навоийни ҳам, Ҳамзани ҳам ҳали билмас экан. Чунки Ҳамза ўз асарларини ўзбек тилида ёзган, уларни «перевод» қилмоқнинг ҳожати йўқ. Навоий «Хамса»си тўғрисида эса ҳеч қандай тушунчага ҳам эга эмас экан.

Албатта, бу якка-ю ягона ҳол, уни умумлаштириш керак эмас. Лекин Навоий ижодий меросини тинмай кенг ёявермоғимиз шарт.

Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. 1501 йили 3 январда Ҳиротда дунёдан ўтди. 60 йил умр кўрди. Аммо унинг ҳаёти абадийдир. Вафотидан бери беш асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, унинг ўлмас асарлари авлодлардан-авлодларга ўтиб, яшаб келмоқда. Улар инсониятга эзгулик, инсонпарварлик, халқпарварлик таълимини беради.

«Ҳайрат ул аброр» («Яхшилар ҳайрати») асарининг кириш қисмида шоир Яратувчига мурожаат қилиб ёзади:

Барчасини гарчи латиф айладинг
Барчадин инсонни шариф айладинг.
Ганжинг аро нақд фаровон эди
Лек баридин ғараз инсон эди.

Яратувчи томонидан вужудга келтирилган ҳамма нарса бир-биридан гўзал, латиф. Лекин уларнинг ичида энг шарофатлиси инсондир.

Яратувчининг хазинасида бойликлар беҳад мўл-кўл. Лекин уларнинг ҳаммаси инсон учун яратилган.

«Арбаин» («Қирқ тўртлик»)да ўқиймиз:

Эл аро яхшироқ дединг кимдир
Эшитиб шубҳа айла рафъ андин.
Яхшироқ бил ани улус ораким,
Етса кўпрак улусга нафъ андин.

Маъноси: Одамлар орасида энг яхшиси кимдир деб сўрадинг. Жавоб берайин, эшитиб барча шубҳаларингни кетказ. Кимки улусга, халққа кўпроқ фойда етказган бўлса, энг яхши киши ўшадир.

Бу фикр ижодкор ғазалларида ҳам турлича кўринишларда таъкидлана боради. Агарда киши юз йил ўз муроду мақсадига етишиб турмуш кечирган бўлса, ўша умр ўзгаларни муроду мақсадига эриштирмоққа бағишланган бир лаҳзага арзимайди, деб ўгит беради Навоий.

Кимса юз йил комронлик қилса,
билким арзимас
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа
бирав коми била.

Ёки:

Фил эрса агар хасминг (душманинг),
десангки зарар кўрмай
Бир пашшага оламда
еткурма зарар ҳаргиз.

Биз бу икки байтни «Бадое ул бидойа» («Гўзалликларнинг бошланиши») девонидан келтирдик. 30 ёшлар атрофида эканлигидаги шеърлари киритилган ушбу девонни 1469 йилда шоирнинг ўзи Самарқанддан қайтиб келгач, Ҳиротда тузган. Навоийнинг ўзи тузган иккинчи шеърлар тўплами — девони «Наводир ун ниҳойа» («Нодирликларнинг якунланиши») асосан ғазаллардан ташкил топган. Иккала девоннинг энг қимматли ва нодир қўлёзма нусхалари Ўз РФА Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Ҳаётлигида ўз даврининг машҳур хаттотлари томонидан кўчириб ёзилган бу китобларга шоирнинг нигоҳи тушган ва ўз қўлидан ўтган.

Навоий юрагида бир шоҳ бадиий асарни ўз она тили туркий (эски ўзбек тили)да яратмоқ иштиёқи туғилди. У устоз Жомийдан фотиҳа олиб, ишга киришди ва ўша 1483 йилиёқ ёзиб тугаллади. Бу фалсафий-ижтимоий мазмундор шеърий асарини «Ҳайрат ул аброр» («Яхшилар ҳайрати») деб атади. Бу билан у улуғлар — Низомий, Хисрав, Жомийлар изидан йўлга тушган ва ўзбек тилида «Хамса» («Беш достон») яратмоққа киришган эди. Бу иш деярли уч йил тўхтовсиз давом этди. Навоий ҳар тун бир-икки соат ижод билан банд бўлар ва 30-40 байт шеър ёзар эди. Уларни эртасига эрталабдан Абдужамил котиб хуснихат билан оққа кўчириб борган мукаммал нусхаси Шарқшунослик институтида сақланади (инв. 50180). «Хамса» асари беш достонни ўз ичига олган. Улар «Ҳайрат ул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» («Етти саёҳатчи») ва «Садди Искандарий» («Искандар девори»)дир.

«Ҳайрат ул аброр»да инсоннинг олий даражаси таъриф этилган. «Садди Искандарий»да эса Искандар қуруқликдаги барча мамлакатларни ўз ихтиёрига ўтказди. Сўнг океан юзасини, ундаги оролларни эгаллади. Шишадан ясалган бир идишга ўтириб, океан тубига тушди. Шундан кейин бутун дунё ҳукмдори ўз ватанига қайтаётиб, ўлим таҳликасини сезди. У ўлими олдидан онасига ёзган мактубида «Сенга айлабон хоки дарғоҳлик, анинг отин этсам эди шоҳлик», яъни сенинг даргоҳинг тупроғи бўлсаму, шуни шоҳлик деб билсам бўлмасми экан, деб афсуслар қилади.

Навоий жаҳонгирликни қоралар экан, у ҳар бир инсоннинг ўз ватанида бўлмоғи, шу ватаннинг ободлиги, гуллаб-яшнаши, ривожи учун яшамоғи ва хизмат қилмоғи кераклигини қайта-қайта таъкидлайди. «Киши ҳар не бўлса ўзида топар, жаҳонда кезарнинг не маъниси бор?» деб уқтиради.

Навоий нафақат ижод билан машғул бўлган. Балки бутун Ҳирот адабий-ижодий муҳитига бошчилик ҳам қилган. У олимлар, шоирлар, рассомлар, меъморлар, мусиқий соҳадаги мутахассислар, барча маданият аҳлининг пешвоси ва ҳомийси эди. Яна ёш истеъдодларни тарбиялаш ва ўстиришга кўп аҳамият беради.

Мирхонд ўша даврда етишиб чиққан машҳур тарихчи. Навоий уни ҳузурига таклиф этиб, умумий тарихга оид катта бир асар ёзмоқни маслаҳат берди. Бу вазифанинг ижроси учун барча шароитни яратди. Узоқ давом этган илмий меҳнатдан сўнг етти жилддан иборат «Равзатус сафо» («Поклик боғи») деган китоб ёзилди. Унинг охирги жилди бевосита XV аср замонавий тарихи масалаларига бағишланган. Ўз даврининг таниқли воизларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий зиммасига эса Қуръон тафсирини ёзмоқ вазифаси юкланди. У тафсирнинг дастлабки қисмларини битказгач, Навоийга олиб келиб кўрсатар, Навоий уларни ўқиб чиқар, таҳрирдан ўтказар ва кўп фойдали маслаҳатлар берарди. Кошифийнинг ўзи бу тафсирга «Амир Алишерга бағишланган тафсир дурдоналари» деб от қўйган. Шунингдек, тарихшунос олим Хондамир, атоқли рассом Камолиддин Беҳзод каби кўплаб ёшлар Навоий тарбияси остида парвариш топдилар ва ижодий баркамолликка эришдилар.

Ёш истеъдод эгаларини қувватлаш ишида гоҳо кутилмаган ҳодисалар ҳам бўлиб турган. Қундуз ва Ҳисор томонлардан келган Қабулий — бир ёш шоир туркий ва форсийда туппа-тузук шеърлар ёзар экан. Навоий унинг шеърларини маъқуллаган. Учрашувлардан бирида унга ғазалидаги бир байтни ўзгартирмоқни маслаҳат берган. Лекин содда йигит бу ишни бажаролмаган ва уни устозга айтган. Шунда Навоий мазкур байтни ўзи қайтадан ёзиб кўя қолди:

Сарв мойил бўлдиким,
ўпгай оёғин тупроғин
Йўқса ҳар соат сабо
таҳрикидин ҳам бўлмади.

Қабулийнинг шу шеъри Султон Ҳусайн ҳузуридаги адабий суҳбатда ўқиладиган бўлди. Султон олдиндан шеър билан танишгач, ушбу байтга диққат қилди ва Навоийга дедики, бу байт ёш шоир назмининг рангида эмас, буни биров ёзиб бермаганмукин. Навоий ёш одамга халал етмоғидан хавотирланиб бу саволга жавоб бермади. Аммо султон астойдил сўрайвергач, бор гапни айтди. Султон мажлисга Қабулийни келтирмоқни буюрди ва унга ҳазиломуз танбеҳ қиламиз деди. Мажлисда ҳамма қатори Қабулий шеър ўқиди. Ҳеч қандай танбеҳ бўлмади. Тарқалдилар. Шунда шоҳ одамларидан бири сўрадики, Қабулийга танбеҳ унутилдими? Султон деди: унутилмади. Аммо танбеҳ қилинса ёш одам уялиб қолар эди. Буни истамадик. Навоий султонга дедики, бундай шафқат унгагина эмас, балки менга ҳам кўрсатилди.

Навоийнинг ижодий мероси бизнинг замонамизда том маънода халқ мулкига айланиб бормоқда. Юртимизда бирор макон йўқки, унда авлодлар, катта-кичик Навоий номини ҳурмат ва иззат, фахр ва эҳтиром билан тилга олмаса. Мактаблар, олий ўқув юртларидаги дарсларда, илмий анжуманлар, умумхалқ байрамлари, тўй-томошалар, дўст-аҳбоблар суҳбатларида шеърлари жаранглайди, руҳи доимо халқ билан ҳамдаму ҳамнафас.

Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлод Навоий ижоди билан тобора чуқур ва ҳар томонлама таништирилмоқда. Уларнинг шоир ижод маҳсулларидан тўла баҳра топиб шаклланмоқларига эришилмоқда. Асарларининг мукаммал нашри амалга оширилгани бу ишнинг равнақига ёрдам беради. Эндиликда ҳар бир асари бўйича ҳам илмий тадқиқот, ҳам бу асарларни оммалаштириш соҳасидаги ишларни баравар суръат билан олиб бормоқ даркор.

Навоийнинг ҳар бир шеъри, ҳар бир байти одамларга бой маънавий озуқа беради. Ҳар бир асарининг ҳам матншунослик жиҳатидан таҳлил ва тадқиқ этилмоғи, ҳам насрий баёнларда қайта-қайта халққа етказиб берилмоғи, асарларининг рус тили ва бошқа хорижий тилларга таржимасини яратиш Ҳазрат ижодини ўрганишимизда асос вазифасини ўтайди. Олимлар узоқ асрлар давомида Навоий асарлари учун луғатлар тузганлар. Улар бизгача етиб келган. Ўзбекистонда бизнинг замонамизда ҳам бу иш ўз давомини топди. Бу ишни янада изчиллаштириш бугуннинг талабига айланиб бормоқда.

Маълумки, Навоий асарлари қўлёзмалари бизгача тўла етиб келган. Улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Урганч ва бошқа маданий марказларда мавжуд. Бу қўлёзмалар устида ишлаш учун етарли малака эгаси бўлган ёш мутахассисларнинг кўпайиши ҳам айни муддаодир.

Навоийнинг адабий ва илмий мероси қалқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Умидвормизки, янги авлод бу бойликларни авайлаб-асраб, ўрганиб ва ташвиқ этиб, халқимиз янада маънавий юксалишини таъминлаб боради.

Азиз ҚАЮМОВ,
академик.

Куч – билим ва тафаккурда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-2007 ўқув йили Давлат стипендиатлари

Магистратура таълим йўналишлари

МУҲАМЕДОВ Мурод Озодович
(Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим мутахассисликлари бўйича)

1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институти «Гидромелиорация» мутахассислиги 2-курс талабаси. 2004-2005 ўқув йилида Беруний номли Давлат стипендияси совриндори. Фанларни чуқур ўзлаштириш билан бир қаторда фан олимпиадалари, илмий-амалий конференция ва семинарларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Жумладан, «Материаллар қаршилиги» фанидан Республика талабалари ўртасида ўтказилган олимпиадада фахрли учинчи ўринни эгаллаган. Кўплаб илмий мақола ва тезислари тўпламларда чоп этилган. «Туямўйин гидроузели Ўзан ва Капарас сув омборларининг ҳажм ўзгаришини кузатиш ва аниқлаш», «Амударё ўзанида жойлашган Термиз портининг ботиометрик съёмкаси» бўйича бажарган лойиҳаси ишлаб чиқаришга жорий этилган ва бу лойиҳа катта иқтисодий-молиявий самара бермоқда. Рус ва инглиз тилларини мукаммал билади.

Айни пайтда «Туямўйин сув омборининг суғориш қобилиятини ошириш» мавзусида илмий изланиш билан банд.

БАҲОДИРОВ Қудрат Ғайратович
(Техника ва информатика таълим мутахассисликлари бўйича)

1984 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Машиналар ва механизмлар назарияси» мутахассислиги бўйича 2-курс талабаси. Халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференцияларда фаол иштирок этиб келади. 2001 йилдан бакалавриатни битиргунга қадар институт миқёсида таъсис этилган М.Т.Ўрозбоев номли стипендия совриндори бўлиб келган. 2005 йилда ҳимоя қилган бакалаврлик диплом иши нусхаси Кострома давлат технологиялар университетида ташкил этилган «Табиий ипак ишлаб чиқариш техникаси ва технологиялари» номли диплом лойиҳалари танловида кўриб чиқилиб, 3-ўринга лойиқ топилган. Ҳозирги кунгача 20 га яқин илмий мақола ва тезислари республикадаги ҳамда хорижий тўпламларда чоп этилган. Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлашади.

Айни вақтда «Тўқимачилик машиналари валли модулларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш» мавзусида илмий изланиш билан банд.

МАМАЖОНОВА Нодира Носиржоновна
(Тиббиёт таълим мутахассисликлари бўйича)

1976 йилда Андижон вилоятида туғилган. Андижон тиббиёт институти «Акушерлик ва гинекология» мутахассислиги 3-курс талабаси. Республика фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуманлар, конференция ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб, бир неча бор фахрли ўринларни эгаллаган. 20 га яқин илмий мақолалари республикамиз ҳамда чет эл нашрларида чоп этилган. Илмий раҳбари профессор Т.Муҳитдинова билан биргаликда талабалар учун ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаган. 2000 йилдан буён институтда ташкил этилган «Акушерлик, гинекология ва хирургия» илмий тўгарагига аъзо. Инглиз ва рус тилларини яхши билади.

Ҳозир «Қоғоноқ сувларининг барвақт кетишидаги плацентанинг морфофункционал ҳолати» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

АБДУЖАББОРОВ Аҳмаджон Одилжонович
(Физика-математика ва кимё-биология таълим мутахассисликлари бўйича)



1985 йилда Андижон вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси мутахассислиги 2-курс талабаси. Физика фанидан талабалар ўртасида ўтказиладиган турли фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуманлар, конференция ва семинарларда фаол иштирок этиб, энг яхши натижаларга эришмоқда. Жумладан, 2001, 2003 йилларда «Физика» фанидан бўлиб ўтган фан олимпиадаларида биринчи ўринни, 2005 йилда эса 2-ўринни эгаллаган. 2003 йилда Японияниг «SUMITOMO» корпорацияси таъсис этган стипендия совриндори бўлди. Рус ва инглиз тилларини аъло даражада ўзлаштирган.

Айни пайтда «Яримўтказгич-диэлектрик бўлиниш чегарасига турли ташқи таъсирларни ўрганиш» мавзусида тадқиқот иши билан шуғулланмоқда.

ШОҒАЗАТОВ Ойбек Баҳодирович
(Иқтисодиёт таълим мутахассисликлари бўйича)

1984 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент молия институти «Халқаро валюта-кредит муносабатлари» мутахассислиги 2-курс талабаси. Аъло ўқиш билан бирга республика миқёсида ўтказиладиган турли фан олимпиадалари, конференция ва илмий анжуманларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2005 йилда «Молия ва кредит» фани бўйича Республика талабаларининг фан олимпиадасида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллаган. Шу йили «Иқтисодий тадқиқотлар маркази» томонидан олий таълим муассасаларининг «Иқтисодиёт» йўналишида таҳсил олаётган талабалари ўртасида «Экономическое обозрение» журнали соврини учун ташкил этилган танловда биринчиликни қўлга киритган. Унинг қатор илмий мақолалари матбуотда чоп этилган. Бундан ташқари, у «Банк тизими ва банк назоратининг хусусиятлари» номли китоб муаллифи. Рус ва инглиз тилларини аъло даражада ўзлаштирган.

Шу кунларда «Валюта курсининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

ИБРАГИМОВА Галия Ринатовна
(Журналистика таълим йўналишлари бўйича)

1984 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Халқаро журналистика» мутахассислиги 2-курс талабаси. «Халқаро журналистика» соҳасида ёш тадқиқотчилар орасида ўтказиладиган халқаро, республика ва университет миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда мунтазам иштирок этади. Бирдина 2005-2006 ўқув йилининг ўзида БМТ, ЮНЕСКО, Тошкентдаги журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, Халқаро Қизил Ярим Ой ташкилоти, «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар ижтимоий фонди томонидан ўтказилган семинар-тренингларда қатнашиб, ғолиб сифатида 7 та диплом ва гувоҳномаларни қўлга киритган. Турли мавзулардаги 60 га яқин мақолалари республикамиз газеталарида чоп этилган. Ўзбек ва инглиз тилларида эркин мулоқотга кириша олади.

Ҳозир «Миллий менталитет ва тафаккурнинг этник жабҳалари ахборот хавфсизлигини таъминлаш омили сифатида» мавзусидаги магистрлик диссертацияси устида ишламоқда.

ҲАМРОҚУЛОВА Шоҳиста Шамсиддиновна
(Гуманитар таълим мутахассисликлари бўйича)

1983 йилда Самарқанд вилоятида туғилган.

Самарқанд давлат университети «Умумий тарих» мутахассислиги 2-курс талабаси. Илмий-амалий анжуманларда, конференция ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. 2003 йилда Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган танловда ғолибликни қўлга киритган. 2004 йилда «Гуманитар» таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси танловида қатнашиб, совриндор бўлган. Президентимиз Фармонига биноан, Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами муносабати билан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган. Бир қатар илмий мақолалари матбуотда чоп этилган. Француз, инглиз ва рус тилларини яхши билади.

«Болқон урушлари ва унинг Туркистон ижтимоий-сиёсий муҳитига таъсири» мавзусида изланишлар олиб бормоқда. Худди шу мавзуда газета ва журналларда мақолалари чиқиб турибди.

ХЎЖАЕВ Беҳзод Худойбердиевич
(Педагогика мутахассислиги бўйича)

1982 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Тошкент давлат педагогика университети «Педагогика» мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқишда юқори рейтинг натижаларини кўрсатиш билан бир қаторда, ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда, конференция ва семинарларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Сергели туманида ўтказилган «Йил ўқитувчиси — 2005» кўрик-танловининг ғолиби, ушбу кўрик-танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиб «Йилнинг энг жўшқин ўқитувчиси» номига сазовор бўлган. Мунтазам равишда Тошкент шаҳрида ҳамда республикамизда ўтказиладиган ёш ўқитувчиларнинг семинар-тренингларида ўз дарслари билан иштирок этиб келмоқда. Бундан ташқари «Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари» номли ўқув қўлланмасини нашрга тайёрлади. Республикамизнинг бир қатор журнал ва газеталарида илмий мақолалари чоп этилган. Рус ва инглиз тилларини яхши билади.

Ҳозирги вақтда «Тарихни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари (5—7 синфлар мисолида)» мавзусида тадқиқот олиб бормоқда.

МАНСУРОВА Нилуфар Хожакбаровна
(Маданият ва санъат таълим мутахассисликлари бўйича)

1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат маданият институти «Маданиятшунослик» мутахассислиги 2-курс талабаси. Республика илмий анжуманларида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2005 йил Ўзбекистон Бадиий академияси ва Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти томонидан ўтказилган илмий конференцияда қатнашиб, иккинчи даражали соврин билан тақдирланган. Шу йили Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда ўтказган «Ўзбекистон санъати: анъана ва трансформация жараёнлари» номли ёш санъатшунослар илмий-амалий конференциясида фахрли 2-ўринни эгаллаган. У «Юксак маънавият — комиллик белгиси» номли рисола муаллифидир. Шу кунгача маданият ва санъатга оид 40 га яқин мақолалари республиканинг турли нашрларида эълон қилинган. 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси бакалаврлари учун таъсис этилган Навоий номли Давлат стипендияси совриндори бўлган. Рус ва инглиз тилларини мукаммал билади.

Айни кунларда «Жамиятни эркинлаштириш шароитида маданият муассасалари фаолиятини такомиллаштириш йўллари» мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

КАИПОВА Эльвира Радиковна
(Чет тиллар таълим мутахассисликлари бўйича)

1983 йилда Бухоро вилоятида туғилган. Бухоро давлат университети «Инглиз адабиёти» мутахассислиги 2-курс талабаси. Илмий-амалий анжуманларда, конференция ва семинарларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2004 йил Бухоро шаҳрида ўтказилган «Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти» мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида муваффақиятли иштирок этган. 10 дан кўпроқ илмий мақолалари республикамиз ҳамда чет эл тўпламларида чоп этилган. Ўзбек ва инглиз тилларида эркин сўзлашади.

Шу кунларда мумтоз шеъриятга оид магистрлик диссертациясини тайёрламоқда.

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ САРИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самараси ўлароқ, бу тизим фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячисига айланмоқда. Хусусан, суд тизимини ислоҳ қилиш жараёнида судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд қарорлари ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Зеро, қабул қилинган суд қарорлари ёки бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўлиқ бажарилсагина давлат, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар манфаати ҳимояси тўлиқ таъминланади.

Бу жараённинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун суд ижрочиларининг яхлит тармоқ сифатида шаклланиб, нафақат суд ҳужжатлари, балки бошқа органлар ҳужжатларини ҳам ўз вақтида ижро этилишини таъминлашига замин яратди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 31 августда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, суд-лар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тегишли Қарори соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжатда суд қарорларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш борасида Суд департаменти ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқарма, бўлимлари томонидан муайян ишлар олиб борилаётгани билан бир қаторда йўл қўйилаётган айрим камчиликларга эътибор қаратилган. Уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Карор ва ижро

Суд департаментининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси қарор ижросини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирларни амалга оширяпти. Натижада суд қарорларининг мажбурий ижро этиш ишларининг самарали бажарилишига маълум даражада муваффақ бўлинаётир. Ўтган йил якунларига кўра бошқармага фуқаролик, жиноят, ҳўжалик ва ҳарбий судлар томонидан ҳамда ички ишлар, божхона, солиқ органлари ва бошқа идоралардан жами 167 млрд. сўмлик ижро ҳужжатлари келиб тушган.

Ижрога қаратилган ушбу ҳужжатларнинг ижроси 91 фоизга таъминланди. Маълум қисми эса ижро ҳужжатига қўйилган талаблар ушбу ҳужжатни тақдим қилган органлар томонидан бажарилмаганлиги сабабли қайтарилди. Зеро, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига кўра, агар ижро ҳужжати ижрога топшириш муддати ўтиб кетганидан кейин юборилган бўлса ёки ушбу қонуннинг 8-моддасида қайд этилганидек, ижро ҳужжатининг мазмуни талабга жавоб бермаса, суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида қайтариб юборади.

Таъкидлаш жоизки, ижроси тугалланган ҳужжатлар ўтган йили олдинги 2005 йилга нисбатан анча кўп. Шу жумладан, фуқаролик, ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи, жиноятлар натижасида етказилган зараралар, давлат фойдасига ундирувлар, бюджет фойдасига, солиқ ва мажбурий тўловларнинг ундирилиши бўйича ҳам яхши натижаларга эришилди. Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, ижро ҳужжатларининг маълум қисми пахта тайёрлаш юзасидан тузилган шартнома шартларини бажармаган ширкат ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид ундирувларга тааллуқли. Шу ўринда айтиш керакки, юртимизда ҳукуматимиз томонидан фермерларга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Уларга ер, минерал ўғит, техника воситалари ва молиявий кредитлар биринчи навбатда ажратилмоқда. Фермер хўжаликлари булардан ташқари бошқа имтиёзлардан ҳам фойдаланмоқда. Шундай экан, улар ишни тўғри ташкил этиб, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши мақсадга мувофиқ. Амалда эса айрим фермер хўжаликлари бунинг аксини қилиб, режаларини бажармаётган ҳоллар, афсуски, учраб турибди.

Олдинги кредитлардан мақсадли фойдаланмаслик оқибатида уларни қайтариш борасида муаммолар юзага келмоқда. Бу салбий ҳолат банк жамоаларини ҳам ташвишга соляпти. Оқибатида улар ширкат ва фермер хўжаликларини судга беришга мажбур бўляпти. Ўтган давр мобайнида вилоят хўжалик судига келиб тушган шу тоифадаги ишлар бўйича чиқарилган қарорлар асосида бошқармамизга уч минга яқин ижро ҳужжатлари келиб тушди. Улардан 2718 тасининг ижроси таъминланди. Қарздорлардан тўрт миллиард сўмликка яқин маблағ ундирилди. Шунингдек, машина трактор парклари, химия ва нефть маҳсулотларига оид қарздорликнинг асосий қисми ҳам бартараф этилди.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи зикр этилган қарорида суд ижрочиларининг иш ҳажми кескин ошиб бораётгани ҳисобга олиниб, зарур шароитлар яратишга эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Жумладан, ходимлар чекланган сонини кўпайтириш ва соҳада ички хавфсизлик инспекцияси ташкил этиш белгиланди. Бу тизим фаолияти самарадорлигининг янада ошишига хизмат қилади.

Қарорга илова тариқасида «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, суд-лар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Унда Суд департаментининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва ваколатлари ўз ифодасини топган. Бу тизим самарадорлигининг ошишида ўзига хос имкониятлар яратди.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочиларининг ваколатлари янада кенгайгани ижро интизомини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз. Зеро, суд қарори ёки бошқа органлар ҳужжатлари тўлиқ ижро этилгандагина адолат қарор топади.

Акмал ЮЛДАШЕВ,
Суд департаментининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

SAVDOGAR BANK

Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзда тутилган асосий мақсад, халқимиз фаровонлигини ошириш учун етарли шароит яратиш, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборатдир. Бугун барча соҳаларда ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётган экан, бунда банк тизимининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи "Савдогар" акциядорлик тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПФ-3764-сонли Фармонига асосан, «Савдогар» Ўзбекистон — Германия акциядорлик тижорат банкига айлантирилди. Айни пайтда банкнинг 28 та филиали, 47 мини банки ҳамда 35 та жамғарма шохобчасида 1200 нафарга яқин мутахассис самарали меҳнат қилмоқда. Улар томонидан 25000 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига сифатли хизматлар кўрсатилмоқда.

«Савдогарбанк»:

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Республика ҳукуматининг жойларда банк хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, миллий валютани конвертациялашни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлари мулкчиликнинг турли шакллари ривожини тезлаштирди. "Савдогар" акциядорлик тижорат банки ана шу жараёнда фаол иштирок этиб, ўз маблағларини иқтисодиётнинг реал соҳалари ва базавий тармоқларини ривожлантиришга йўналтириш, инвестиция сиёсатини фаоллаштириш, кредитор ва инвесторлар ҳуқуқларини таъминлаш, банк хизматлари бозорини янги хизмат турлари билан бойитиш каби бир қатор стратегик йўналишларда банк-молия тизимининг таянчига айланди.

Ҳозирги кунда банк ўз капиталини кўпайтириш, ликвидлигини таъминлаш, активлар сифатини яхшилаш ҳисобига молиявий барқарорликни ошириш, янги хизмат турларини жорий қилиш, мини банклар очиш орқали мижозлар сонини кўпайтириш ва уларнинг яқин ҳамкорига айланишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ушбу жараёнларда ўзаро манфаатли тамойилларга таянган ҳолда, у асосий эътиборни мижозлар эҳтиёжини тўлароқ қондиришга қаратиб, улар билан ҳамкорлик қилиш сиёсатига жиддий ўзгартиришлар киритмоқда. Бу эса банкнинг хизматлар бозоридаги мавқеини анча мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобваракларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарори талабларининг тўлиқ ҳаётга татбиқ этилиши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончи янада ошишини таъминлади. Ҳозирда нақд пул маблағлари мижозларнинг биринчи талаби билан бериб борилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун филиалларда нақд пул маблағлари доимо етарли миқдорда бўлишини таъминлаш мақсадида захира фондлари ташкил этилди.

2006 йил мобайнида банк кассаларига 300 млрд. сўм миқдорида нақд пул қабул қилинди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақи ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа мақсадлар учун 282 млрд. сўм миқдорида нақд пул чиқим қилинди. Жумладан, биринчи даражали ижтимоий тўловлар, яъни пенсия, нафақа ва бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи учун ўз вақтида 108 млрд. сўм миқдорида нақд пул берилди.

Банк маблағларининг асосий манбаи — бу юридик, айниқса, жисмоний шахслардан жалб қилинган маблағ ҳисобланади. Шу боис мазкур йўналишда банк томонидан жалб этиладиган маблағларнинг даромадлилигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. 2006 йил давомида мижозлар учун янги юқори фоизли «Умид», «Орзу», «Мадад» «Ҳамкор», «Барака», «Равнақ» муддатли омонат турлари амалиётга киритилди. Омонатларга ҳисобланган фоизлар эса ҳар ойда тўлаб борилмоқда.

Хусусан, «Барака» муддатли омонатига 6 ой муддатга маблағлар қабул қилиниб, йиллик 18 фоиз даромад тўланади. Фоизлар кунига сарҳисоб қилиниб, омонат суммасига қўшилади, капиталлаштирилган қисмига эса яна фоизлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда банк 62000 нафардан ортиқ омонатчига самарали хизмат кўрсатмоқда. Бу натижаларга электрон хизматлар доирасининг кенгайиши, омонатлар шартларининг мақбуллаштирилиши ва хизматлар сифатининг яхшиланиши орқали эришилди, албатта.

«Савдогарбанк» ва Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, қонунда назарда тутилган барча омонатлар фонд томонидан кафолатланган.

Маълумки, сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида бир қанча тадбирлар изчил амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан 50000 дона пластик карточка муомалага чиқарилиб, 600 дона терминал савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларига тарқатилди.

Банк томонидан эмиссия қилинаётган пластик карточкалар мижозларга бир қанча қулайликлар яратиб бераётганлиги, натижада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар замонавий тарзда амалга оширилаётганлиги соҳа ютуқларини белгилаб берувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Банкимиз томонидан жорий этилган хизматлар пластик карточкалар ёрдамида нақд пул олиш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган савдо терминаллари орқали харид қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш ҳамда транспорт хизмати учун тўловларни нақд пулсиз шаклда амалга ошириш, темир йўл кассалари ва авиакассаларда ўрнатилган терминаллар орқали чипталар сотиб олиш, коммунал тўловлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Банк томонидан юридик шахс мақомига эга мижозларга эса корпоратив карточкаларни бериш йўлга қўйилган. Улар бундай карточклар орқали савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида нақд пулсиз тарзда хомашё маҳсулотлари ва хизматларини, шу жумладан, ёнилғи қуйиш шохобчаларидан бензин ва дизель маҳсулотларини чакана сотиб олиш мумкин. Бундай усулда ҳисоб-китоб қилишнинг яна бир афзаллик томони шундаки, юридик шахсларнинг хизмат сафарлари учун нақд пулга бўлган эҳтиёжлари таъминланади, шу билан бирга, замонавий тўлов воситаси сифатида уларга қулайликлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 40 дан ортиқ махсус кассалар ишга туширилди. Ҳозирда барча турдаги коммунал тўловлар, солиқлар, давлат божи ва бошқа тўловларни қабул қилиш бўйича тегишли идоралар билан шартномалар имзоланган. Натижада республикамизнинг турли бурчакларида фаолият кўрсатаётган 35 та жамғарма кассаси орқали нафақат омонатлар, балки аҳоли учун қулай бўлган барча турдаги коммунал, солиқ ва бошқа тўловлар ҳам қабул қилинмоқда.

Сўнгги пайтда банк мини банклари тармоғини ҳам кенгайтириб бораяпти. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли туманларида «Савдогарбанк»нинг 47 та мини банки фаолият юритмоқда. Уларда илғор электрон технологиялар қўлланилган ҳолда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Банк ходимлари мижозларга ишлаб чиқариш-молия масалаларида, жумладан, бизнес-режа лойиҳаларини тайёрлаш ва такомилига етказишда ёрдам бермоқдалар. Буларнинг ҳаммаси, бир томондан, банк ва фермерлар, қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтирмоқда, иккинчи томондан, мижозларда банкнинг янги хизмат турларига бўлган қизиқишини орттирмоқда.

Банкнинг корпоратив мижозлар билан яқиндан иш олиб бориши туфайли, шунингдек, унинг активлари умумий миқдори 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 59,8 млрд. сўмга етказилди. Бу — аввалги йилдагига нисбатан 10,1 млрд. сўм ёки 120,3 фоиз ошди, дегани.

Айни чоғда банк томонидан ўз маблағларини кўпайтириш йўлида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида унинг жами сармояси, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 8,3 млрд. сўмни ташкил этди. Яъни 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан 790 млн. сўм ёки 110,4 фоиз кўпайди. Шу даврда банк устав капитали миқдори эса 6 млрд. сўмга етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «R&D Express-Aussenhandels GMBH» (Германия) банкнинг хорижий инвестори бўлса, республикамиздаги йирик корхоналар эса унинг акциядорлари ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодиёти ривожланган сайин унинг реал секторига молиявий ресурсларни жалб этишда банк кредитларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами кредит қўйилмалари 35,3 млрд. сўмни ташкил этди. Шунинг ҳисобига қўшма корхоналар, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, акциядорлик жамиятлари, фермер хўжаликлари, ширкат хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар фаолияти молиялаштирилмоқда.

Банк ўзининг кредит сиёсатига мувофиқ, қисқа муддатли кредитлашдан кўра ўрта ва узоқ муддатли кредитлашга кўпроқ эътибор бермоқда.

У нафақат корпоратив ва йирик мижозлар, балки кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳам доимий ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқда. Банк томонидан қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ва улар томонидан маҳсулотлар етиштириш самарадорлигини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалик техникалари, тиркамалар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун жами 967,2 млн. сўм кредит ажратилди.

Шу билан бирга, 2006 йил давомида банк бўйича ўз маблағлари ҳисобидан 8,3 млрд. сўм кредит кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди. Унинг жумладан, 4,5 млрд. сўми узоқ муддатли кредитлар, 3,8 млрд. сўми қисқа муддатли кредитлардир.

«Савдогарбанк» ҳукумат дастури асосида амалга оширилаётган иқтисодиётнинг хусусий секторини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли қарорига асосан, олинган фойда ҳисобидан шакллантирилган Имтиёзли кредитлаш жамғармаси 680 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бу жамғарма маблағлари имтиёзли тарзда тадбиркорларга берилаётир.

Банк бўлимлари томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олишга кўмаклашиш мақсадида эса жорий йил давомида 3,4 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ҳам ажратилди. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, истеъмол кредитларининг қолдиғи 5,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса 971,1 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, зотли қорамоллар сотиб олиш учун Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги юридик шахсларга 41,5 млн. сўм миқдорида кредитлар берилди.

Айниқса, тармоқнинг асосий таянчига айланган фермерлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш — банкнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Сабаби, Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи соҳа бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисми унинг улушига тенг келади, аҳолининг асосий қисми ҳам қишлоқларда яшайди. Қолаверса, аграр соҳанинг ривожланиш истиқболлари ва имкониятлари ҳам юксак. Шу боис банк бу соҳада мустаҳкам ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳисоб-китоб жамғармасининг ресурслари ҳисобидан 2006 йилда ғалла етиштириш мақсадида 2713 та ширкат ва фермер хўжалиги 6,1 млрд. сўм пахта ҳосилини етиштириш учун 2382 та ширкат ва фермер хўжалигига 11,1 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилгани бунинг ифодасидир. Эътиборлиси, ушбу кредитлар тўлиқ ундирилиб, Молия вазирлигига қайтарилди.

Банкда халқаро пул ўтказиш тизимлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Мисол учун, 2005 йилда «Анелик» пул ўтказиш тизими ўз фаолиятини бошлаган бўлса, 2006 йилдан эътиборан «Contact», «Westrn Union», «Migom», «Enter Express» пул ўтказиш тизимлари ҳам ишламоқда. Умуман, ҳозирда республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган 36 та хизмат кўрсатиш шохобчасида ушбу тизимлар мувафақиятли хизмат кўрсатмоқда.

«Савдогарбанк» барча молиявий муассасалар қаторида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида бундан кейин ҳам ўз фаолиятини изчил давом эттираверади.

Банк матбуот хизмати.

Saniplast «САНИПЛАСТ» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси
Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.
Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.
Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.
Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)
«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:
ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Россияда ишлаб чиқарилган
«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН
замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Ислоҳот одимлари

Белорус – 1221

«ЎзДонМаш»:

ДЕҲҚОНГА МАДАДКОР

... Фермер техникага харидор бўлиш асносида унинг энг замонавийсини, ўзини ҳар жиҳатдан оқлайдиганини танлаши лозим. Шунингдек, бундай мини технологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилишда фермер нафақат ўз ҳисоб рақамидаги маблағлардан, балки банклар кредитларидан ҳамда лизинг усулидан самарали фойдаланмоғи даркор.

Ислом КАРИМОВ.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг октябрь-ноябрь ойларида «Ўзэкспомарказ»да «Uzbekistan Agrominitech Expo-2006» қишлоқ хўжалик машиналари учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси бўлиб ўтган эди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтказилган бу нуфузли тадбирга дунёнинг 25 мамлакатидан қарийб 200 та компания иштирок этди. Улар орасида Германия, Исроил, Италия, Хитой, Польша, Россия, Туркия ва Франция вакиллари ҳам бор эди.

Дунёдаги энг яхши техника билан танишиш ва уларни сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш учун кўргазмага мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 3 мингдан ортиқ фермер, агрофирма ва кичик корхоналар раҳбарлари ташриф буюришди. Харидларни молиялашнинг энг фойдали шартлари хусусида кўргазманинг ўзида уларга Ўзбекистон тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари мутахассислари маслаҳат бердилар.

Табиийки, шу ўринда муштарийларимизга «UzDonMash» қўшма корхонасини таништириб ўтмасак бўлмас. Мазкур корхона 2005 йил октябрь ойидан фаолият кўрсата бошлаган. Уни ташкил этишдан мақсад, корхона Уставида таъкидланганидек, Ўзбекистон иқтисодиётига янги ишлаб чиқариш технологияларини олиб кириш, ички бозорни халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш, хуллас, ўзбек деҳқонининг оғирини енгил, мушкулини осон қилишдан иборат.

Қўшма корхона Россия Федерациясининг «РОСТСЕЛЬМАШ» ОАЖнинг расмий дилери ҳисобланади. Айни пайтда корхона бу заводда ишлаб чиқариладиган «Дон-1500Б», «Нива-Эффект», «Вектор» русумли ғалла ўриш комбайнларини ҳамда сомонни йиғиб тойлайдиган ускуналар, шунингдек, уларга зарур бўлган эҳтиёт қисмларни фермер хўжаликларига етказиб бермоқда. Корхона шу даврга қадар 30 та «Дон-1500Б» ва 22та «Нива-Эффект» комбайнини олиб келиб, фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларига тарқатди.

Хўш, бу техникаларнинг афзаллик томонлари нималардан иборат?

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Россиянинг энг кўп комбайнлари Навоий ва Қашқадарё вилоятлари далаларида жавлон урмоқда. Ҳадемай, шатномаларга мувофиқ, бу техникалар республикамизнинг узоқ-узоқ туманларгача етиб боришига шубҳа йўқ. Корхона маркетинг бўлими бошлиғи Қудрат Бекиевнинг гапларини тинглаб, биз шундай қарорга келдик.

— Мамлакатимизда ғалла етиштириш билан шуғулланмайдиган фермер хўжалиги деярли йўқ, — деди у. — Ҳар бир хўжалик раҳбари техника танлашда ўзига хос йўл тутади. Кимдир номи дунёга таралган ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини харид қилади. Бошқаларини эса ўта замонавий техникалар ўзига жалб этади. Яна кимнидир ҳайбатли ва рекорд унумдорликка мойил машиналар қизиқтиради. Афсуски, «Ростсельмаш» комбайнлари улар учун мўлжалланмаган. Бу заводнинг машиналарини, энг аввало, юксак молиявий манфаатдорликни истаган одамларгина танлашади. Ҳар қандай шароитда фақат «ҳосил учун кураш»ни мақсад қилганлар эмас, балки ғалла ишлаб чиқаришни самарали бизнес деб билганларгина биз келтираётган маҳсулотларга харидор бўлишмоқда.

Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак. Деҳқонларимизнинг талаб ва истакларини, эҳтиёжларини аниқ ҳисобкитоб қилган қўшма корхона мутахассислари эндиликда нафақат ғалла, балки ўт ўриш комбайнларини ҳам келтиришни мўлжаллашмоқда. «Дон-680» — ана шундай янги техникалардан бири. У маккажўхорини ҳам, дағал хашакни ҳам ўради. Қолаверса, айни бир вақтда ўрилган хашакларни йиғиб, тележкага ҳам ортиб кетаверади. Айниқса, бу ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш ҳақидаги қарорларини амалга оширишда деҳқонларимизга қўл келиши, табиий. Шунингдек, «МТЗ-1221» русумли ҳайдов тракторларини ҳам келтириш мўлжалланмоқда. «МТЗ-1221» шудгор қилади, ариқ олади, прицеп тортади, насос орқали, сув ҳайдайди, хуллас, деҳқончиликка дахлдор ҳамма юмушларни бажаради. Фермер учун тайёр дастёр у. Яқин кунларда мамлакатимизга ана шундай 6 та дастёр кириб келади.

Қўшма корхонада сақланадиган «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарида фермерларимизнинг Россия Федерациясидан келтирилган техникалар хусусидаги дил сўзлари билан ҳам танишдик. Касби туманидаги Алишер Навоий номли, Чиноз туманидаги Б.Эрназаров номли ширкат хўжаликлари мутахассислари бу техникаларнинг нархи арзонлиги, бизнинг шароитимизга мослиги, эҳтиёт қисмларининг танқис эмаслиги ҳақида ширин сўзлар айтиб, корхона раҳбариятига ўз миннатдорчилигини баён этишган. Янгийўл туманидаги «Нисёзбоши» ширкат хўжалигининг собиқ раиси Абдуғани Юсупов хўжалик негизида мукобил МТП ташкил қилганлигини, унга мавжуд тракторларни йиғиб, «Ростсельмаш»нинг янги техникаларидан ҳам харид қилмоқчи эканлигини ёзган. «Чунки, — деб давом этади Абдуғани ака, — бу заводда ишлаб чиқарилган комбайнларга икки йил кафолатли бепул сервис хизмати кўрсатилади. Сервис автомашиналар ҳамда зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган малакали мутахассислар бир зумда оғирингизни енгил қилади».

Биз қўшма корхона мутахассислари билан хайрхўшлашиб чиқаётганимизда, қабулхонада ўн-ўн беш чоғли кишини учратдик. Улар мамлакатимизнинг турли туманларидан келган деҳқонлар бўлиб, қўшма корхона билан янги техникалар харид қилиш бўйича шартномалар имзолаш мақсадида эканлар. Улардан бирини суҳбатга тортамиз.

— Сайхунобод туманидаги «Мақсад» фермер хўжалиги раҳбари Абдукарим Пардабоевман, — дейди қотмадан келган олтмиш ёшлардаги киши. — 70 гектар майдоним бор. 50 гектарида пахта, 20 гектарида ғалла етиштираман. 2 та «Беларусь»им, 2 та «ДТ-75»им соатдай ишлаб турибди. Захирамни ҳисоблаб кўрсам, 50 миллион сўмга яқин пулимиз бор экан. «Пахтабанк»дан озгина кредит кўтариб, «Ростсельмаш»нинг комбайнларидан олмоқчиман. Нега дейсизми? Чунки бу техникаларнинг сарф-харажати кам, самарадорлиги юқори, суръати тез. Қолаверса, ундан қўни-қўшни фермерлар ҳам фойдаланавериша.

Дарҳақиқат, деҳқонларимизнинг мушкулини осон қилаётган бу техникаларнинг республикамизда иштиёқмандлари жуда кўп. Негаки, «Ростсельмаш» комбайнлари бизда аллақачоноқ синовдан ўтди ва ишончга кирди. Бироқ бу техникаларни харид қилиш учун барча фермерларнинг ҳам чўнтаги кўтармайди. Шу туфайли уларни молиявий қўллаб-қувватлаш лозим бўлади. Яъни, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тадбиркор деҳқонларимиз фаолиятини, молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш — барчанинг бурчи. Бу ишда, айниқса, тижорат банкларининг кўмаги жудаям зарур. Шу жиҳатдан олиб қараганда, лизинг компаниялари ва банкларнинг ўз кредитлаш фаолиятларини янада жонлантиришлари давр талабига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз деҳқонларининг ҳақиқий кўмакдошига айланиб улгурган «ЎзДонМаш» жамоаси эса ҳар қанча буюртмага тайёр. Улар фермерларимиз хоҳлаган миқдор ва муддатда техникалар етказиб беришга қодирдирлар.

Ўз мухбиримиз.

«Вектор». *Ғаллани ўриб-йиғадиган комбайн. Қўшимча мосламалар ёрдамида кунгабоқар, соя, маккажўхори, ёрма ва бошқа майда уруғли экинларни ҳам ўраверади.*

«Дон-1500Б». *Ғаллани ўриб-йиғадиган комбайн. Бундан ташқари, ҳосилнинг донсиз қисмини ғарамлайди ва майдалайди.*

«Нива-Эффект». *Ғаллани ўриб-йиғадиган комбайн. Уни ғарамлаш ва ўриб-сочиш мосламалари билан ҳам жиҳозлаш мумкин.*

«Дон-680». *Ем-хашак йиғиш комбайни. Озуқа экинлари, маккажўхорини ўриш, ердаги ўримларни йиғиб, бир вақтнинг ўзида кўк массани майдалаш ва транспорт воситаларига юклаш учун мўлжалланган.*

— Биз ҳам айнан ушбу кўргазмада ғалла ўриш комбайнлари бўйича 350 та шартнома тузишга эришдик, — дейди масъулияти чекланган жамият шаклидаги «UzDonMash» қўшма корхонаси тижорат директори Рустам Болиқулов. — ***Бундан ташқари, сомонни ўриб тойлайдиган техникалар, «МТЗ-1221» тракторлари бўйича ҳам ўттиздан ортиқ шартномалар имзоланди. Аслида бу нафақат фермерлар, балки биз учун ҳам ҳар томонлама фойдалидир. Биринчидан, кўргазма павильонларидан бепул фойдаландик, қолаверса, бизга ўз ускуналаримизни мамлакат ҳудудига божхона тўловларисиз олиб кириш имтиёзи берилди, сотиш эса қўшимча қиймат солиғисиз амалга ошириладиган бўлди.***

— «Дон-1500Б», «Нива-Эффект», «Вектор» русумли ғалла ўриш комбайнлари мамлакатимиз иқлим шароитларига ҳар томонлама мос келади, — дейди корхона директорининг ишлаб чиқариш бўйича муовини Ҳасан ака Раҳимов. — ***Қолаверса, уларнинг ишлатилиши қулай, механизаторларга яратилган шароит ҳам аъло. Энг муҳими, бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган ғалла ўриш техникаларидан кўра анча арзон. Уларнинг амалдаги самараси ҳам деҳқонларимизга кундай аён бўлди: мавсумда бир кунлик ўртача ўрилган майдон «Дон-1500Б»да 28-32 гектарни, «Нива-Эффект»да 18-23 гектарни ташкил қилди. Хуллас, мамлакатимиз деҳқончилик шароитларига мослиги жиҳатидан ҳамда фермер хўжаликларимизнинг бугунги молиявий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда «Ростсельмаш»да ишлаб чиқарилаётган комбайнлар бебаҳодир.***


Сомонни ўриб тойлайдиган мослама.

БОЛАЛАР СПОРТИ



Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.

Ислом КАРИМОВ.

Паҳлавон Маҳмуд издошлари

Бугун ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишлари учун мамлакатимизда кўплаб замонавий спорт мажмуалари бунёд этилаяпти. Яқинда Хоразм вилоятининг чекка туманларидан ҳисобланган Гурландаги 24-мактаб ёшлари ҳам бошқа ўқувчилар қаторида ўзларининг спорт залларига эга бўлишди.

Якунланган йилда, умуман, воҳада спортнинг ўнлаб турлари билан мунтазам шуғулланиш учун имкониятлар мавжуд бўлган бир қатор объектлар қад ростлади. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг 2006 йил манзилли дастури бўйича умумталим мактаблари қошида 6 та спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аниқроқ қилиб айтганда, бугун Урганч шаҳридаги 23, Хивадаги 9, Хонқадаги 38, Шовотдаги 46, Гурландаги 24 ва Янгиариқ туманидаги 39-умумтаълим мактабларида янгитдан қурилган спорт залларида ўқувчилар ўз саломатликларини тиклашмоқда. Бу ишларга 683 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, Урганч шаҳридаги ҳарбий лицейда, Ҳазорасп туманининг узоқ «Тупроққалъа» мавзеида замонавий болалар спорт мажмуалари, Хивадаги «Меҳрибонлик уйи»да ўйингоҳ ва бошқа кўплаб янгитдан қурилган мажмуалар ҳам ҳозирда болажонларнинг севимли масканига айланган. Шунингдек, Урганч шаҳрида реконструкция қилинган Паҳлавон Маҳмуд теннис корти ўзгача қиёфа касб этди. Ана шу спорт мажмуалари Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан босқичма-босқич спорт жиҳозлари билан таъминланмоқда.

— Албатта, қурилаётган бу мажмуалар келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг соғлом бўлиб вояга етишлари учун мўлжалланган, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Омонбой Жуманов. — Эндиликда мазкур спорт иншоотларинги доимо ёшлар билан гавжум бўлишига ҳаракат қиламиз. Бу борада мунтазам ташкиллаштириб турилган мусобақалар алоҳида аҳамият касб этаяпти



Жумладан, мактаб ўқувчиларининг «Қишки таътил» оммавий мусобақаси ва вилоят миқёсида ўтказилган бошқа беллашувларда минглаб хоразмлик ёшлар ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Тошкентда ўсмирлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган мусобақада хоразмлик ёш спортчилар 2 та олтин, 1 та кумуш медали билан тақдирланишди. Урганч давлат университетида қўл жанги бўйича ташкиллаштирилган республика биринчилигида воҳа ёшлари умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Акробатика бўйича жамғарма соврини учун Қува шаҳрида бўлиб ўтган республика биринчилигида қўшкўприклик Феруза Ёдгоровага бронза медали насиб этди. Бундан ташқари, ўтган йилнинг май ойида Қашқадарёда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари — 2006» оммавий спорт мусобақаларининг финал босқичида вилоятимиз ёш спортчилари 2 тадан олтин ва кумуш ҳамда 12 та бронза медалига эгалик қилишди. «Ғалабага бўлган иродаси учун» номинацияси ҳам Хоразм вилояти спортчи ёшларига берилди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, жамғарма томонидан чекка туманларда мусобақалар ўтказиб туриш анъанага айланмоқда. «Тупроққалъа» мавзеида футбол, волейбол, шахмат, шашка, от спорти бўйича ўтказилган вилоят биринчилиги, миллий спорт ва халқ ўйинлари мусобақаси энг кўп ёш спортчилар иштирок этганлиги билан эсда қоладиган бўлди. Албатта, спортда юксак натижага эришган ёшлар хизмати эътиборсиз қолмайди. Ўтган йили спорт билан мунтазам шуғулланиб, юқори натижаларга эришган ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оила қизлари учун 120 дона, яъни 10920.0 минг сўмлик спорт кийимлари берилди. Воҳадаги 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига эса зарур жиҳозлар тарқатилди.

Яна бир гап. Бугун амалга оширилаётган барча эзгу ишлар ўз самарасини бера бошлади. Хоразмлик ёшларнинг халқаро спорт майдонларида қўлга киритган натижалари, айниқса, салмоқли бўлмоқда. Хусусан, якунланган йилнинг май ойида Жанубий Кореяда дзюдо бўйича ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган Осиё чемпионатида Лейла Бобожонова совриндорлар сафидан жой олган бўлса, Ригада стол тенниси бўйича ўтган халқаро турнирда Урганч шаҳридаги спорт мактаб-интернати ўқувчиси Шоҳиста Бобожонова кумуш медални қўлга киритди. Германияда бадиий гимнастика бўйича ташкиллаштирилган халқаро турнирда эса Севинч Сатторова ва Нилуфар Рўзметовалар муваффақиятли иштирок этдилар.

Айни чоғда, жамғарма томонидан барча спорт турлари қаторида миллий қадриятларимиз, халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли мусобақалар ташкиллаштирилаётир. Иқтидорли ёшлар эса ривожланган мамлакатлардаги халқаро турнирлар, спорт фестивалларига юборилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТИББИЙ ЛАБОРАТОРИЯ ИШ БОШЛАДИ

Юртимизда инсон саломатлиги, она-бола муҳофазаси, келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратиб келинаётир. Бу борада республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.



Пойтахтимиздаги Республика Вирусология илмий-текшириш институтида UCAID ва CDC халқаро ташкилотлари кўмагида яратилган янги тиббий лабораториянинг очилиши бу йилдаги яна бир дадил қадам бўлди. Ўзбекистон миллий референс лабораториясини яратишдан мақсад мамлакатимиз миқёсида юқумли касалликларни диагностик текшируви, лабораториялар иш фаолиятини назоратдан ўтказиш ҳамда вирусологлар малакасини оширишдан иборатдир.

— UCAID ва CDC халқаро ташкилотлари томонидан ушбу техник мосламани реконструкция қилишга 150 минг доллар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун эса 100 минг доллар сарфланди, — дейди республика Вирусология илмий-текшириш институти директори Эркин Мусабоев. – Лаборатория тиббиёт ходимларининг замонавий асбоблар билан ишлаш малакасини оширишда қўл келадиган услубий методик ва илмий марказ сифатида фаолият юритиши кўзда тутилмоқда.

Янги референс лаборатория касалликлар, айниқса, ОИТС, гепатит В,С каби хавфли ва ўта юқумли касалликларни аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш, диагностик тизимлар сифатини яхшилаш имконини беради.

Тақдимот маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл қатнашди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

- **Эркин Аъзамов абадият қонуни ҳақида**
- **Олим Тошбоевнинг «Келажак қайғуси» маънавий эврилишлар хусусида**
- **Олтита ўқ еб тирик юрган одамнинг юраги иккитами? — Бу саволга Фозил Искандар ҳикоясидан жавоб топасиз**
- **Озод Шарафиддиновнинг шахматдаги рақиби Фарҳод Ҳамроев хотиралари**
- **Аҳмаджон Мелибоев нега китоб ўқийди?**

Шу ва шу каби саволларнинг тагига етмоқчи бўлсангиз «Тафаккур»нинг 1-сонини ўқинг.

Кўргазма залларида

Мўйқаламда юрт жамоли



Ижод аҳли ҳақида сўз кетганда, ёш қаламкаш Фахриддин Ҳайитнинг "Сени шоир қилган мажнунтолларинг..." деган мисраси ёдимга тушади.

Дарҳақиқат, кўнгил кишилари бўлмиш ижодкорлар ҳамиша табиатдан илҳомланади, юрт жамолидан куч олади. Истеъдодли рассом Ботир Зокиржонов ҳам ана шундай илҳом туфайли қўлларига мўйқалам тутди. Илк асарларидаёқ ўзи туғилиб ўсган Жиззах вилоятининг мафтункор манзараларини қоғозга кўчирди.

Тасвирий санъатнинг дастлабки сир-асрорларини Жиззах санъат билим юртида ўрганган Ботир Зокиржонов, кейинчалик, Санкт-Петербург шаҳрида Россия рассомлар уюшмаси аъзоси Пак Демондан таҳсил олди. Эндиликда бу сабоқлар мусаввир ижодида ўз ифодасини топмоқда. Унинг "Сангзор", "Зомин", "Ўрикли сой", "Бир кунлик умр" каби асарлари санъат мухлислари эътиборига тушган.

Айни кунларда пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмасида мусаввирнинг энг сара асарларидан иборат "Мўйқаламда юрт жамоли" деб номланган шахсий кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Муфтилло ЮСУПОВ.

Тақдимот

«Ҳаё — халоскор»

«Одамнинг яшаган ҳар бир куни тугал рўмон. Тугал каромат. Фақат биз бунинг тугал рўмонлигини ва тугал кароматлигини билмаймиз. Билмаганимиз учун қадрлаб ўтирмаймиз. Ҳар бир одамни Худо мислсиз сийлаб яратган, унга мислсиз нарсаларни тортиқ қилган... ҳар қандай умрни ҳадя каби яшагандагина маъно касб этади. Шундагина умр муборак вазифасини ўтайди...»

Ўзига ҳадя қилинган умрни, ғанимат фурсатни мазмунга бойитаётган ёзувчи, таржимон, устоз Иброҳим Ғафуровнинг янги асаридаги бу сўзлар ҳар бир кишига эш, шиор бўлса арзийди. Ушбу китобнинг «Ҳаё – халоскор» дея номланишидаёқ улкан маъно мужассамдек, гўзаллик, ор-номус ва инсонийлик жамлагандек туюлади. Асарни ўқир экансиз, туркум насрий назмлар, мансуралар, бадиа ва ҳаётий ҳикоялар диққатингизни тортади. Муаллиф ўз ижоди орқали ўқувчини ажойиб кўнгил сайрига, ўйлар базмига чорлайди. «Навоийга унсият», «Достоевский билан тунги суҳбат», «Нитше шиддати» каби боблар асар моҳиятини янада оширган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тақдимотда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Хуршид Дўстмуҳаммад каби шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов ва бошқалар «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси бош муҳарририятида чоп этилган китобнинг хилма-хил қирралари ҳақида сўзлашди.

Замондошлар ҳақида ҳикоя қилувчи бадиаларида мардлик ва ҳалоллик туйғулари устун қўйилган, анъана ва қадриятлар улуғланган китобнинг иккинчи жилди тайёрланаётганлиги маълум қилинди.

Ўз мухбиримиз.

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

ТАШКИЛОТ
ҚУРИЛИШ ВА ЕР ҚАЗИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ, ЖУМЛАДАН,

САМОСВАЛ, ЮКЛАГИЧ (ПОГРУЗЧИК) КРАН ВА ЭКСКАВАТОРЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ.
Таклифлар учун телефон: (371) 120-66-20. Факс: (371) 120-66-30.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Шуҳрат Мадаминбекович Ирматовга онаси

Баҳрихон ая ИРМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзэлектромонтаж» ОАЖ жамоаси жамиятга қарашли «Сурхондарё ПМК-3» шўъба корхонаси бошлиги

Хайрулло Саломович МУРТАЗОҚУЛОВнинг

оламдан ўтганлиги сабабли марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси информацион технологиялар кафедраси катта ўқитувчиси Абдумалик Рўзиевга онаси

Инобат ая РЎЗИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси институт қошидаги солиқ академик лицейи директори Собит Ёқубовга акаси

Собиржон ЁҚУБЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент педагогика коллежи жамоаси олий тоифали ўқитувчи Бахтиёр Умировга акаси

Панжи УМИРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 23456